



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT STATISTIKA QO'MITASINING QARORI

2021 y. «31» сентяб

№ 16

“Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаси бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажмини ҳисоблаш тартиби”ни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон қарори билан тасдиқланган 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг **33.4-банди** ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини баҳоловчи статистик кўрсаткичлар тизимини илғор хорижий тажрибаларга мувофиқ жорий этиш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. “Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаси бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажмини ҳисоблаш тартиби” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор эълон қилинган кундан бошлаб кучга киритилсин.

Раис

Б. Бегалов

*Q-0140

Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаси бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажмини ҳисоблаш тартиби

Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаси бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажмини ҳисоблаш тартиби (кейинги ўринларда – Тартиб) “Миллий ҳисоблар тизими – 2008” (кейинги ўринларда – МХТ–2008) халқаро стандарти, БМТ Статистика бўлимининг “Барча иқтисодий фаолият турларининг халқаро стандарт тармоқлар таснифи” ва Евростатнинг метамаълумотлар тизимида белгиланган методологик кўрсатма ва тавсиялар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, давлат статистика органлари томонидан ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳасида яратилган қўшилган қиймат кўрсаткичларини ҳисоблашда фойдаланиш учун мўлжалланган.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартибда қуйидаги атама ва уларнинг таърифларидан фойдаланилади:

ахборот иқтисодиёти – мамлакатда рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишини ифодаловчи йиғма кўрсаткичлар гуруҳи бўлиб, ахборот-коммуникация технологиялари, контент, медиа ва электрон тижорат соҳасини ўз ичига олади;

ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) – бу электрон воситалардан кенг фойдаланган ҳолда ахборотларни шакллантириш, узатиш, қайта ишлаш, визуал равишда кўпайтириш ҳамда алоқа функцияларини бажариш билан боғлиқ соҳа бўлиб, ўз ичига АКТни ишлаб чиқариш, АКТ савдоси ва АКТ хизматларини қамраб олади;

контент сектори – бу интернет сайтларида матнлар, аудио ва видеофайллар, графиклар ҳамда анимацияларни ўзида мужассамлаштирган маълумотларни ўз ичига олади;

оммавий ахборот воситалари сектори – оммавий ахборот воситалари орқали инсонларни хабардор қилиш, ўқитиш, кўнгил очиш билан боғлиқ соҳа бўлиб, нашрлар, ахборот маҳсулотлари, маданий ва кўнгил очар маҳсулотларни ўз ичига олади;

электрон тижорат – ахборот тизимларидан кенг фойдаланган ҳолда товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишга доир амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятини ифодалайди;

миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) – мамлакатнинг иқтисодий фаолияти натижаларини ифодаловчи ҳисоблар ва жадвалларнинг муайян тўплами шаклида тузилган, ўзаро боғлиқ статистик кўрсаткичлар тизимини ўзида акс эттиради;

ишлаб чиқариш – ҳисобот даврида резидент-бирликларнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаси бўлиб, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг умумий қийматини ўзида акс эттиради;

оралиқ истеъмол – ишлаб чиқариш жараёнида харажатлар сифатида истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қийматини ўзида акс эттиради (асосий капитал истеъмоли сифатида акс эттириладиган асосий фондлар истеъмоли бунга киритилмайди);

ялпи қўшилган қиймат – ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади;

2. АКТ, контент сектори ва оммавий ахборот воситалари соҳасига киритиладиган иқтисодий фаолият турларининг рўйхатини шакллантиришда БМТ Статистика бўлими томонидан ишлаб чиқилган “Барча иқтисодий фаолият турларининг халқаро стандарт тармоқлар таснифи”да келтирилган ахборот иқтисодиёти учун муқобил фаолият турлари тўпламидан фойдаланилади.

3. Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаси бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми тўғрисидаги кўрсаткичлар йиллик даврийликда (ҳисобот давридан кейинги йилнинг июнь ойида) шакллантирилади.

4. Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаси бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми тўғрисидаги кўрсаткичларни шакллантириш учун

ахборот манбаи бўлиб, йиллик давлат статистика ҳисоботлари маълумотлари, шунингдек, Республика товар, товар-фонд, товар-хомашё биржалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Электрон кооперация портали маркази ва бошқа манбалардан ўрнатилган тартибда олинган маълумотлари хизмат қилади.

II. Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаси бўйича ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажми тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш

5. Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат бўйича ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажми тўғрисидаги кўрсаткичлар йирик корхоналар томонидан тақдим этиладиган “1-xizmat. Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар тўғрисида”ги, “12-korxona. Ташкилот фаолияти тўғрисида”ги, “1-korxona. Ташкилот хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги, микрофирма ва кичик корхоналар томонидан тақдим этиладиган “1-КВ. Микрофирма ва кичик корхоналар ҳисоботи”, улгуржи, чакана савдо ва овқатланиш ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган “1-savdo. Товарлар сотиш ва қолдиқлар тўғрисида”ги давлат статистика ҳисоботи шакллари ҳамда АКТ савдоси билан шуғулланувчи ва АКТ хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахслар бўйича ўтказиладиган танланма статистик кузатувлар маълумотлари асосида шакллантирилади.

6. Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат бўйича ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажми тўғрисидаги кўрсаткичлар АКТ сектори, контент сектори ва оммавий ахборот воситалари ҳамда электрон тижоратга ажратган ҳолда шакллантирилади.

7. АКТ секторининг ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисидаги маълумотлар “Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи” (ИФУТ-2) асосида шакллантирилади ва қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

ИФУТ-2 кодлари	Тармоқлар номланиши
	АКТ ишлаб чиқариш
2610	Электрон қисмлар ва платалар (схемалар) ишлаб чиқариш
2620	Компьютерлар ва периферия ускуналарини ишлаб чиқариш
2630	Коммуникация ускуналарини ишлаб чиқариш
2640	Маиший электроника асбобларини ишлаб чиқариш
2680	Ахборот узатишнинг магнит ва оптик ташувчиларини ишлаб чиқариш
	АКТ савдоси
4651	Компьютерлар, компьютер периферик ускуналари ва дастурий таъминот улгуржи савдоси
4652	Электрон ва телекоммуникацион ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари улгуржи савдоси
	АКТ хизматлари
5820	Дастурий таъминотни ишлаб чиқариш
6110	Симли алоқа хизматларини кўрсатиш
6120	Симсиз алоқа хизматларини кўрсатиш
6130	Йўлдош воситасида алоқа хизматларини кўрсатиш
6190	Бошқа телекоммуникация хизматлари кўрсатиш
6201	Компьютерда дастурлаштириш соҳасидаги фаолият
6202	Компьютер технологиялари соҳасидаги маслаҳат хизматлари
6203	Компьютер ускуналарини бошқариш бўйича фаолият
6209	Ахборот-коммуникация технологиялари ва компьютер тизимлари соҳасидаги бошқа фаолият турлари
6311	Маълумотларни жойлаштириш ва ишлов бериш бўйича хизматлар
6312	Web-порталлар
9511	Компьютерлар ва периферия ускуналарини таъмирлаш
9512	Коммуникация ускуналарини таъмирлаш

8. Контент сектори ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажми тўғрисидаги маълумотлар “ИФУТ-2” асосида шакллантирилади ва қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

ИФУТ-2 кодлари	Тармоқлар номланиши
	Контент сектори ва оммавий ахборот воситалари (ОАВ)
581	Китоблар, даврий нашрлар нашр қилиш ва нашриётчилик фаолиятининг бошқа турлари
5811	Китоблар нашр қилиш
5812	Маълумотнома ва рўйхатларни нашр қилиш
5813	Газеталар нашр қилиш
5814	Рўзнома ва даврий нашрларни нашр қилиш
5819	Нашриётчилик фаолиятининг бошқа турлари
591	Кино, видеофильмлар ва телевизион дастурлар ишлаб чиқариш
5911	Кино, видеофильмлар ва телевизион дастурлар ишлаб чиқариш
5912	Кино, видеофильмлар ва телевизион дастурларни ишлаб чиқаришдан кейинги босқич
5913	Кинофильмлар, видео ва телевизион дастурларни тарқатиш
5914	Кинофильмлар намойиш қилиш
592	Фонограммалар ва мусикали ёзувларни нашр қилиш бўйича фаолият
60	Дастурлар яратиш бўйича фаолият, телекўрсатув ва радиоэшиттириш
6010	Радиоэшиттириш
6020	Телевизион дастурларни яратиш ва намойиш қилиш бўйича фаолият
639	Ахборот хизматларининг бошқа турлари
6391	Ахборот агентликлари фаолияти
6399	Бошқа тоифаларга киритилмаган, ахборот хизмати кўрсатиш бўйича бошқа фаолият

9. Электрон тижорат соҳасида ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажми тўғрисидаги маълумотлар юқорида келтирилган ҳисобот шакллари ва кузатув сўровномаларининг электрон савдолар ҳажми тўғрисидаги маълумотларини умумлаштириш орқали ҳамда товарлар ва хизматлар савдосига ажратган ҳолда шакллантирилади.

III. Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳасида яратилган қўшилган қиймат ҳажми тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш

10. Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат бўйича қўшилган қиймат ҳажми тўғрисидаги маълумотлар юқорида келтирилган таркибий

қисмлар бўйича ишлаб чиқариш ҳажмидан оралиқ истеъмол ҳажмини айриш орқали қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q = \sum_{i=1}^n (P_i - IC_i) \quad (1),$$

бу ерда,

Q – ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми;

$P_i - i$ - иқтисодий фаолият тури бўйича ялпи ишлаб чиқариш ҳажми;

$IC_i - i$ - иқтисодий фаолият тури бўйича оралиқ истеъмол ҳажми;

n - иқтисодий фаолият турлари сони.

11. Оралиқ истеъмол ҳажми иқтисодий фаолият турининг 2 хонали кодлари даражасида ишлаб чиқариш ҳисобида мавжуд оралиқ истеъмол улушини қўллаш орқали қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$IC_i = \frac{P_i \times k_j}{100 \%} \quad (2),$$

бу ерда,

$k_j - j$ -иқтисодий фаолият турининг 2 хонали кодлари даражасида ишлаб чиқариш ҳисобининг йиллик яқунлари бўйича оралиқ истеъмол улуши.

12. Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижоратнинг ЯИМдаги улуши ахборот иқтисодиёти ва электрон тижоратда яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажмини иқтисодиёт тармоқларининг ялпи қўшилган қийматига бўлиб юзга кўпайтириш орқали қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Sh = \sum_{i=1}^n \frac{Q_i}{GVA} \times 100 \% \quad (3),$$

бу ерда,

Sh - ахборот иқтисодиёти ва электрон тижоратнинг ЯИМдаги улуши, % да ;

$Q_i - i$ -иқтисодий фаолият тури бўйича қўшилган қиймат ҳажми;

GVA – iqtisodiyёт тармоқларининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми.

Ахборот иqtисодиёти ва электрон тижоратнинг ЯИМдаги улушини ҳисоблаш бўйича жадваллар иловада келтирилган.

IV. Якуний қондалар

Ахборот иqtисодиёти ва электрон тижорат соҳасининг ЯИМдаги улуши тўғрисидаги маълумотлар миллий ҳисоблар кўрсаткичларининг аниқлик киритилган ҳисоб-китоблари асосида қайта ҳисобланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Система национальных счетов – 2008. Организация Объединенных Наций, Европейская комиссия, Организация экономического сотрудничества и развития, Международный валютный фонд и Всемирный банк, 2009 г.

2. “European system of accounts – 2010”, European Union, 2013 г.

3. “Ўзбекистон Республикаси иqtисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (2-таҳрир)”. О’зДТ 005:2011.

4. Международная стандартная отраслевая классификация всех видов экономической деятельности (МСОК), четвертый пересмотренный вариант, БМТ, Нью-Йорк, 2009 йил, стр-319.

Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат
соҳаси бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажмини
ҳисоблаш тартибига илова

1-жадвал. АКТ сектори бўйича қўшилган қиймат ҳажми ва АКТнинг ЯИМдаги улушини ҳисоблаш усули

ИФУТ-2 кодлари		Ялпи ишлаб чикариш ҳажми (P), млрд.сўм	Оралик истеъмол улуши (k _j), %	Қўшилган қийматни аниқлаш формуласи	Ялпи қўшилган қиймат ҳажми (Q), млрд.сўм	АКТнинг ЯИМдаги улуши формуласи	ЯИМ (ЯҚҚ)га нисбатан % да (Sh)
	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати - жами	910 800,0	49,0	$Q = \sum_{i=1}^n P_i \times k_j - 100 \%$	464 854,5	$Sh = \sum_{i=1}^n \frac{Q_i}{GVA} \times 100 \%$	100,0
	улардан:						
	Ахборот коммуникация технологиялари сектори	11 905,8	36,9		7 508,4		1,62
	шу жумладан:						
	АКТ ишлаб чикариш	825,0	65,6		283,7		0,06
2610	Электрон қисмлар ва платалар (схемалар) ишлаб чикариш	46,0	65,3		16,0		0,00
2620	Компьютерлар ва периферия ускуналарини ишлаб чикариш	65,9	65,4		22,8		0,00
2630	Коммуникация ускуналарини ишлаб чикариш	59,8	65,7		20,5		0,00
2640	Маиший электроника асбобларини ишлаб чикариш	653,4	65,7		224,4		0,05
2680	Ахборот узатишнинг магнит ва оптик ташувчиларини ишлаб чикариш	0,0	65,2		0,0		0,00
	АКТ савдоси	500,0	40,2		299,0		0,06
4651	Компьютерлар, компьютер периферик ускуналари ва дастурий таъминот улгуржи савдоси	156,0	40,4		93,0		0,02
4652	Электрон ва телекоммуникацион ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари улгуржи савдоси	344,0	40,1		206,0		0,04
	АКТ хизматлари	10 580,8	34,5		6 925,7		1,49
5820	Дастурий таъминотни ишлаб чикариш	236,7	33,6		157,3		0,03
6110	Симли алоқа хизматларини кўрсатиш	2569,6	34,5		1 683,0		0,36
6120	Симсиз алоқа хизматларини кўрсатиш	5 852,8	34,4		3 837,0		0,83
6130	Йўлдош воситасида алоқа хизматларини кўрсатиш	3,5	35,1		2,3		0,00
6190	Бошқа телекоммуникация хизматларини кўрсатиш	279,3	34,6		182,5		0,04
6201	Компьютерда дастурлаштириш соҳасидаги фаолият	359,4	31,7		245,4		0,05
6202, 6203	Компьютер технологиялари соҳасидаги маслаҳат хизматлари ва компьютер ускуналарини бошқариш бўйича фаолият	173,1	31,6		118,4		0,03
6209	Ахборот-коммуникация технологиялари ва компьютер тизимлари соҳасидаги бошқа фаолият турлари	243,3	31,4		166,8		0,04
6311	Маълумотларни жойлаштириш ва ишлов бериш бўйича хизматлар	255,8	29,3		180,9		0,04
6312	Web-порталлар	15,9	20,9		12,6		0,00
9511	Компьютерлар ва периферия ускуналарини таъмирлаш	382,6	42,5		220,0		0,05
9512	Коммуникация ускуналарини таъмирлаш	208,6	42,6		119,7		0,03

2-жадвал. Контент сектори ва оммавий ахборот воситалари бўйича қўшилган қиймат ҳажмини ҳисоблаш усули

ИФУТ-2 кодлари		Ялпи ишлаб чиқариш ҳажми (P), млрд.сўм	Оралик истеъмол улуши (k _j), %	Қўшилган қийматни аниқлаш формуласи	Ялпи қўшилган қиймат ҳажми (Q), млрд.сўм	КСОнинг ЯИМдаги улуши формуласи	ЯИМ (ЯҚК)га нисбатан % да (Sh)
	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати - жами	910 800,0	49,0	$Q = \sum_{i=1}^n P_i \times \frac{k_j}{100} \%$	464 854,5	$Sh = \sum_{i=1}^n \frac{Q_i}{GVA} \times 100 \%$	100,0
	<i>улардан:</i>						
	Контент сектори ва оммавий ахборот воситалари	1 420,5	37,9		882,7		0,19
	<i>шу жумладан:</i>						
581	Китоблар, даврий нашрлар нашр қилиш ва нашриётчилик фаолиятининг бошқа турлари	439,7	32,4		297,2		0,06
5811	Китоблар нашр қилиш	54,1	33,1		36,2		0,01
5812	Маълумотнома ва рўйхатлар нашр қилиш	0,2	33,1		0,1		0,00
5813	Газеталар нашр қилиш	187,5	33,1		125,5		0,03
5814	Рўзнома ва даврий нашрларни нашр қилиш	80,4	29,4		56,8		0,01
5819	Нашриётчилик фаолиятининг бошқа турлари	117,5	33,1		78,6		0,02
591	Кино, видеофильмлар ва телевизион дастурлар ишлаб чиқариш	167,3	58,9		68,7		0,01
5911	Кино, видеофильмлар ва телевизион дастурлар ишлаб чиқариш	146,9	60,1		58,5		0,01
5912	Кино- видеофильмлар ва телевизион дастурларни ишлаб чиқаришдан кейинги боскич	5,6	50,1		2,8		0,001
5913	Кинофильмлар, видео ва телевизион дастурларни тарқатиш	3,2	50,1		1,6		0,000
5914	Кинофильмлар намойиш қилиш	11,6	50,1		5,8		0,001
592	Фонограммалар ва мусикали ёзувларни нашр қилиш бўйича фаолият	12,3	50,1		6,1		0,001
60	Дастурлар яратиш бўйича фаолият ва телекўрсатув ва радиоэшиттириш	689,2	37,5		431,1		0,09
6010	Радиоэшиттириш	62,3	37,5		39,0		0,01
6020	Телевизион дастурларни яратиш ва намойиш қилиш бўйича фаолият	626,8	37,5		392,1		0,08
639	Ахборот хизматларининг бошқа турлари	112,1	29,0		79,6		0,02
6391	Ахборот агентликлари фаолияти	6,4	29,0		4,5		0,001
6399	Бошқа тоифаларга киритилмаган, ахборот хизмати кўрсатиш бўйича бошқа фаолият	105,7	29,0		75,1		0,02

3-жадвал. Электрон тижорат бўйича қўшилган қиймат ҳажмини ҳисоблаш усули

	Ялпи ишлаб чиқариш ҳажми (P), млрд.сўм	Оралик истеъмол улуши (k _j), %	Қўшилган қийматни аниқлаш формуласи	Ялпи қўшилган қиймат ҳажми (Q), млрд.сўм	Электрон тижоратнинг ЯИМдаги улуши формуласи	ЯИМ (ЯҚҚ)га нисбатан % да (Sh)
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати - жами	910 800,0	49,0	$Q = \sum_{i=1}^n P_i \times \frac{k_j}{100} \%$	464 854,5	$Sh = \frac{\sum_{i=1}^n Q_i}{GV\Lambda} \times 100 \%$	100,0
<i>улардан:</i>						
Электрон тижорат	663,1	58,5		275,4		0,06
<i>шу жумладан:</i>						
Товарлар	107,0	38,1		66,2		0,01
Хизматлар	556,1	62,4		209,2		0,04

4-жадвал. Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат бўйича йиғма кўрсаткичлар

	Ялпи ишлаб чиқариш ҳажми, млрд.сўм	Ялпи қўшилган қиймат ҳажми, млрд.сўм	ЯИМга нисбатан % да
Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаси	13 989,3	8 666,5	1,86
<i>шу жумладан:</i>			
Ахборот-коммуникация технологиялари сектори	11 905,8	7 508,4	1,62
Контент сектори ва оммавий ахборот воситалари	1 420,5	882,7	0,19
Электрон тижорат	663,1	275,4	0,06